



ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ТАЪМИНОТИ ВА УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Умид Сохибжанович ШУКУРОВ

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети магистратураси тингловчис
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6416625>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-mart 2022
Ma'qullandi: 20-mart 2022
Chop etildi: 25-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчи, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, уй-жой таъминоти ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, уй-жой майдони

ANNOTATSIYA

Мазкур илмий мақолада ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жой билан таъминлашнинг муаммоли масалалари, унинг ижтимоий аҳамияти, уларнинг уй-жой таъминоти ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлари тушунчаси ва олимларнинг ушбу масаладаги илмий-назарий қарашлари, соҳанинг илмий ўрганилганлиги даражаси, миллий қонунчилик таҳлили ва унга бўлган танқидий муносабатлар, шунингдек, хорижий қонунчилик тажрибаси ҳамда асослантирилган таклиф ва ҳулосалар келтирилган.

Маълумки, бугунги кун жаҳоннинг илғор ривожланган давлатлар Қуролли Кучлари ҳарбий тузилмалари амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳарбий хизматчининг ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли профессионал бажариши кўп жиҳатдан унинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси етарлича таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ. Чунки кундалик ҳаётда юрти ҳимоясида бўлган ҳар бир ҳарбий хизматчи Ватани, халқи ва Президентига қилган қасамёдига содиқ бўлгани ҳолда ўз жонини таваккал қилиб ўз хизматини олиб боради. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат тинчлик ва осойишталик гарови бўлган қуролли тузилмалари ҳарбий хизматчилари хизмат мажбуриятларининг ўзига хос бундай табиатини инобатга олиб, қонун

ҳужжатларида уларни махсус мақомдаги фуқаролар сифатида эътироф этишни, уларга муносиб турмуш шароитини яратишни, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашни, бу борада етарли имтиёзлар ва кафолатларни ўз ичига олган “ижтимоий пакет”ларни тақдим этишни, айниқса, биринчи навбатда, уларни уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришни энг муҳим ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларидан деб билади.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимиз ҳарбий ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари



учун ҳал этилиши лозим бўлган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масаладир. Бироқ бугунги кунда жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қаторида кўрилмайди. Айниқса, ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш, уларнинг уй-жой яшаш шароитларини яхшилаш ва бу борада ҳеч бўлмаса ҳарбий қисм ва муассасаларга кўмаклашиш ҳақида умуман “бош қотирмайдилар”. Ваҳоланки, жойларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мудофаа сектори раҳбарлари ҳисобланишади. Шу билан бир қаторда ҳудудларда мудофаа ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ ижтимоий масалалар ву муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари вилоят, туман(шаҳар) Кенгашлари фаолиятини ҳам ижобий деб бўлмайди. Назаримизда Кенгашлар ўша ҳудудда мустақил олий давлат ҳокимияти вакиллик идораси эканлигини тўлақонли ҳис қилмайди ва улар ҳанузгача маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви аломатларидан тўла-тўқис халос бўлмаган ҳамда улар томонидан уй-жой ва коммунал соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш, давлат хусусий шерикчилик муносабатларини кенг жорий этиш, молиявий инвестициялар ва инновациялар киритиш каби масалалар бир четда қолиб кетмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар биронта бир маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд доирасида ҳарбий хизматчилар ва уларни оила

аъзоларини ижтимоий ҳимояси, хусусан, уларни уй-жойлар билан таъминлаш бўйича муайян истиқболга мўлжалланган аниқ стратегик концепция ёки дастурлар умуман қабул қилинмаган. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунининг 14-моддасига мувофиқ ҳарбий қисмлар, Қуролли Кучларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда ер, хизмат хоналари ҳамда турар жой бериш масалалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларидан бири эканлиги белгиланган[1]. Республика миқёсида ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш асосан Президентимиз эътиборида ва ташаббуслари остида ҳал этиб келинмоқда. Бунга яқин беш йиллик ичида юртимизда Президентимиз ташаббуслари билан ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган кўплаб фармон ва қарорларни қабул қилинганлигини яққол далил сифатида кўрсатиш мумкин. Аслини олганида юртбошимиз томонидан ҳар бир вилоят раҳбарига ўз ҳудуди мудофааси “етакчиси” мақоми берилган экан, у бу шарафни елкасига олиб ҳудудида хизмат қилаётган ҳар бир “аскар”ининг ҳолидан хабардор бўлишга бурчли эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Шунга кўра, ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш ҳамда уларга ушбу масалаларда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан миллий қонунчилигимизда



маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўтган йиллар мобайнида ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Масалан, 2017-2019 йиллар мобайнида 8 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун 275 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди[2]. Бироқ ушбу эришилган кўзга кўринарли натижаларга қарамасдан Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш масалалари масъул раҳбарларимиз томонидан ортга сурилаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Бунини тасдиғи сифатида Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 26 йиллиги арафасида Қуролли Кучлар академияси Ситуация марказида ҳарбий хизматчилар ва кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда **ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масаласида** “Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда кўп қаватли уйлар босқичма-босқич фойдаланишга топширилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш борасида, жумладан, узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилишини кўзда

тутадиган янгича ёндашувлар жорий этилмоқда. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз ҳудудларида 28 та ана шундай уй-жой фойдаланишга топширилди, 522 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи замонавий, шинам квартиралар билан таъминланди. Яқин икки ой ичида яна 720 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи янги уйларга кўчиб ўтади. Бу ишлар доимий асосда давом эттирилиб, ҳар йили 1500 нафар Ватан ҳимоячисининг оиласи уй-жой билан таъминланади. Афсуски, бу масалада ҳам барча раҳбарлар берилган топшириқнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаяпти. Натижада ушбу лойиҳани бошлаш ҳеч бир сабабсиз бир неча ойга чўзилиб кетди ва шахсан ўзим ушбу масала билан шуғулланишимга тўғри келди. 2018 йил учун режалаштирилган уйларни қуриш бўйича ишлар бугуноқ бошланиши керак. Нега деганда, жорий йилда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун юртимизнинг барча ҳудудларида 100 та кўп қаватли уй қуриш белгиланган. Бу борада қандайдир баҳона ёки сабабларни рўқач қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, бу масала бўйича талаб қаттиқ бўлади.” **деб таъкидлаган эдилар[3]. Ишониб қоламизки, юртбошимизнинг ушбу сўзлари келгусида соҳадаги кейинги ислохотларимизни жадал олиб борилишига замин яратгани ҳолда масъулларимиз учун дастуриамал бўлади.**

Таҳлиллар ва ўрганилган илмий тадқиқот материаллари ва мавзулари шуни кўрсатадики, юртимизда “ҳарбий фан”, хусусан “ҳарбий ҳуқуқ”



йўналишида олиб борилган илмий тадқиқотлар қўлга санарли бўлиб, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари уй-жой таъминоти ва уни такомиллаштириш масалалари алоҳида илмий тадқиқот мавзуси ва объекти сифатида ўрганилмаган. Соҳага оид адабиётлар таҳлили фуқароларнинг уй-жойга бўлган мулкӣ ҳуқуқлари, умумий фуқаролик ва ижтимоий ҳимоя доирасида маҳаллий олимлар И.Зокиров, О.Оқюлов, Н.Имомов, Н.Эгамбердиева, Ж.Юлдашев, А.Иноятлов, Д.Аҳмедов, М.Усманова, Й.Турсунов, Г.Саттарова ва Г.Муродовалар томонидан тадқиқ этилган. Аммо ушбу муаллифларнинг илмий ишларида ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти ҳуқуқи масалаларини ўрганишга предметли ёндошув бўлмаган. Бугунги кунда Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой таъминоти масалаларининг айрим жиҳатлари Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари тимсолида уларнинг ижтимоий-ҳуқуқӣ ҳимояси доирасида Ш.М.Газиёв томонидан тадқиқ қилинмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти масалалари ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлари кўплаб хорижий тадқиқотларда ҳам ўрганилганлиги кузатилади. Жумладан, Kristie L. Bissell, Robert L. Crosslin, James L. Hathaway, Richard Buddin, Carole Roan Gresenz, Susan D. Hosek, Mark Elliott ва Jennifer Hawes-Dawsonлар асарларида ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой ҳуқуқларига оид маълумотлар мавжуд. МДҲ мамлакатлари орасидан Д.М.Кондратенко, Д.В.Сидоркин, Л.М.Пчелинцева, Ю.О.Гаврилова, А.В.Заикин, В.Г.Стрекозова,

А.В.Кудашкина, А.А.Синица, А.Гладких, А.Хачатрян, З.Х.Акчуринов ва А.В.Молодыхлар ўзларининг илмий ишлари доирасида ўрганишган.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлари тушунчаси ҳамда унга берилган таърифлар бўйича илмий жамоатчилик орасида турли фикр-мулоҳазалар ва қарашлар мавжуд.

А.А.Синица ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой таъминоти ҳуқуқи уч хил тушунча, хусусан: квартира таъминоти ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқдан иборат эканлигини, “уй-жойга бўлган ҳуқуқ” ҳамда “квартира таъминоти ҳуқуқи” тушунчалари бир хил эмаслигини таъкидлаб, квартира таъминоти ҳуқуқига ҳарбий хизматчиларни уй-жойда яшаш учун биноларни тақсимлаш, иситиш ва коммунал хизматлар бўйича эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги муносабатлардан ташкил топган, ҳарбий маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, сўзсиз, мажбурий ва шошилиш бажариш тартибига эга бўлган моддий таъминот ҳуқуқининг бир тури сифатида таъриф беради[4].

А.В.Кудашкин ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш турар-жойга муҳтож бўлган шахсларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, яъни ҳар бир ҳарбий хизматчининг уй-жойга бўлган субъектив ҳуқуқини (ижтимоий ҳимоя функцияси) амалга оширишга, шунингдек, ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизмат мажбуриятларини узоқ муддатга бажаришни



рағбатлантиришга (рағбатлантириш функцияси) қаратилган деб ҳисоблайди[5].

З.Х.Акчурин уй-жойга бўлган ҳуқуқ тушунчасидан уй-жой таъминоти ҳуқуқи тушунчасини ажратиб кўрсатиб, уй-жой таъминоти ҳуқуқи деганда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва нормаларга мувофиқ уй-жой таъминоти олиш ҳуқуқи (турар-жой биноси тақдим этилиши ҳуқуқини олиш) тушуниш лозим, “таъминот” тушунчаси кўчмас мулкдан кўра кўпроқ кўчар мулкни англатганлиги туфайли турар-жойга нисбатан “таъминот” сўзидан кўра “тақдим этиш” сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ, фуқароларнинг маълум бир тоифасини уй-жой таъминоти ҳуқуқи деганда давлатнинг маълум бир кафолати бўлиб хизмат қилувчи белгиланган турдаги моддий таъминот тури кўринишида намоён бўладиган давлат органларининг фуқароларни турар-жой майдони билан таъминлаш бўйича фаолиятини англаш лозим деб ҳисоблайди[6];

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари уй-жой таъминоти қуйидаги жиҳатлари билан долзарб ижтимоий аҳамиятга эга:

биринчидан, бу масала давлат мудофааси ва хавфсизлигига бевосита масъул жавобгар фуқаролар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ;

иккинчидан, ҳарбий хизмат ўташ шартлари ҳарбий хизматчилардан домий равишда тўлиқ давлат хизмати(ёки алоҳида хизмат) ва унинг муҳим(ёки ўта муҳим) ижтимоий-сиёсий зарур топшириқларини, шу

қаторда ҳаётга хавф туғдирадиган ишларни бажаришни талаб этади;

учинчидан, ҳарбий хизматчилар ижтимоий-моддий ва молиявий жиҳатдан тўлиқ давлатга қарам бўлган фуқаролар тоифасига кирадилар ва улар қонунан қўшимча даромад топиш имкониятига эга эмаслар(педагогик ва илмий фаолият билан шуғулланиш бундан мустасно);

тўртинчидан, ҳар қандай мамлакат Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ва ҳарбий қудрати даражаси ўша мамлакатнинг том таънодаги мустақиллигини, унинг ҳалқаро майдондаги нуфузи ва имиджини белгилаб беради.

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (125 ва 126-моддалари); Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон [“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”](#)ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сонли [“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”](#)ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 июлдаги



169-сон [“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик \(ижарада турганлик\) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида”](#)ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 619-сон [“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш \(қуриш\) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”](#)ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги “Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 170-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сон [“Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”](#)ги қарори; юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига таяниб тегишли Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган раҳбарий-идоравий ҳужжатлар.

Назаримизда ҳарбий хизматчилар уй-жой таъминотига оид ушбу қонуний асос ва манбаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш, зарур бўлса, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш

вақти аллақачон келган. Биз бунни қуйидаги икки мисолда кўриб чиқсак.

Биринчи мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларига оид ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатлар(шу жумладан уй-жой билан таъминлашга оид) назарда тутилган. Фикримизча, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқароларимиз томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва хусусиятлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиши керак. Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларига оид имтиёзлар ва кафолатлар эса қонун даражасида эътироф этилиб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилиши ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги қатъий белгиланган[7]. Мазкур масалада хориж тажрибасига мурожаат қилинса Россия Федерациясида Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги федерал қонун[8], Қозоғистон Республикасида Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги[9] ва Уй-жой



муносабатлари тўғрисидаги[10] қонунлар ҳамда Беларусь Республикасида Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги қонун[11] қабул қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги Россия Федерацияси федерал қонунининг 15-моддаси ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматдан бўшаган фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари ва 15.1-моддаси тақдим этиладиган турар жой майдони ва турар жой умумий майдони масалаларига бағишланган. Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги Беларусь Республикаси қонунининг 4-моддасида ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматдан бўшаган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кафолати ҳамда 16-моддаси уларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари назарда тутилган. Қозоғистон Республикасининг Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунининг 35-моддасида ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини ҳарбий хизматни ўташ даврида давлат ҳисобидан уй-жой билан таъминлаш кафолати белгиланган. Қозоғистон Республикасининг “Уй-жой муносабатлари тўғрисида”ги қонунда эса ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларини уй-жойга мухтож деб топиш асослари ва уй-жой билан таъминлаш тартиби қоидалари кўзда тутилган.

Иккинчи мисол. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги

Низомнинг 30-банди ҳарбий хизмат ўтаётган ёки ҳарбий хизматнинг чекланган ёшига етганлиги, соғлиғи(ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш мобайнида касалланганлиги ёки шикаст еганлиги сабабли) ёмонлашганлиги ёхуд штатлар қисқариши туфайли ҳарбий хизматдан бўшатишга полковник унвони, полковник унвонига тенг ва ушбу унвондан юқори унвонга эга офицерлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонига эга контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳамда илмий даража ёки илмий унвонга эга ҳарбий хизматчи – олий ҳарбий таълим муассасаси ўқитувчилари белгиланган меъёрдан ташқари хона кўринишидаги ёки умумий майдонга қўшимча ўн саккиз квадрат метрга тенг турар жой майдони олишга ҳақли эканликлари кўрсатиб ўтилган[12]. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 191-бандида эса «полковник», унга тенглаштирилган ёхуд ундан юқори ҳарбий унвондаги ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етгани, соғлиғининг ҳолатига кўра ёки ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшатишга офицерлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари, илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилар белгиланган нормадан ортиқ бир хона ёки умумий майдоннинг камида ўн олти квадрат метр миқдорида қўшимча турар жой майдони олиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган[13]. Ўз



ўрнида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 42-моддасида фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони бир хона тарзида ёки ўн саккиз квадрат метрли умумий майдон миқдорида берилиши белгилаб қўйилган[14]. Демак, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 30-бандида “шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонига эга контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳамда илмий даража ёки илмий унвонга эга ҳарбий хизматчи – олий ҳарбий таълим муассасаси ўқитувчилари” ва “ўн саккиз квадрат метр” қўшимча уй-жой майдони ҳажми ҳақидаги имтиёз назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 191-бандида “шунингдек Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари, илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилар” ва “ўн олти квадрат метр” қўшимча уй-жой майдони ҳажми назарда тутилган. Мазкур ҳолатда бу икки норматив-ҳуқуқий ҳужжатда имтиёз эгалари тоифаси ва қўшимча уй-жой майдони ҳажми бир биридан фарқ қилади ҳамда ягона бир ёндошув мавжуд эмас. Шунга кўра фикримизча, юқорида ушбу турдаги имтиёз олишга ҳақли субъектлар тоифаси аниқ ифодаланиши ва уй-жой майдони ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 42-моддасига мувофиқ “ўн саккиз квадрат метр” этиб белгиланиши лозим.

Шу каби қонунчиликда мавжуд бартараф этилиши лозим бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган камчиликлар келгусида қонунчилик нормаларининг турлича талқин этилишига ҳамда оқибатда ҳарбий хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

биринчи навбатда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатларни, шу қаторда уларнинг уй-жой таъминоти ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлари ҳамда имтиёзларини қонун ҳужжати даражасида белгилаш;

иккинчи навбатда, ҳарбий хизматчиларни уй-жойга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қисқа муддатларда қондириш мақсадида уларни уй-жой билан таъминлашнинг бошқа бир муқобил шакллари ҳам кўриб чиқиш ва ижобий самара келтириши мумкин бўлган таклифларни амалда жорий этиш;

учинчи навбатда, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш жараёнида жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини янада кучайтириш ҳамда қонунчиликка уларнинг ушбу соҳадаги нафақат “ваколатлари”, балки “мажбуриятлари” ҳам белгиланган нормаларни киритиш;



тўртинчи навбатда, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масалаларида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда қонунчиликда ҳарбий хизматчилар учун уйлар қураётган қурилиш ташкилотларига имтиёз ва преференциялар тақдим этиш;

бешинчи навбатда, ҳарбий хизматчилар ўртасида уй-жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш, шунингдек, уларни уй-жойга эга бўлиши учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган дастлабки бадалларни олишда инсон омилини инкор этувчи адолатли

шаффоф “навбат” тизимини ва бошқа уй-жой коммунал соҳада кўрсатиладиган хизматларни ягона автоматлаштирилган электрон давлат хизматлари тизимида жорий этиш ҳамда интеграциясини амалга ошириш;

олтинчи навбатда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг уй-жой таъминоти ва уни такомиллаштириш масалаларида илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ҳамда натижалари бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга давлат органларига муносиб таклифлар киритиш.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мудофаа тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги 211-II-сон қонуни. <https://lex.uz/acts/108083>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларга йўллаган байрам табригидан. <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-ozbekiston-respublikasi-qurolli-kuchlari-tashkil-etilganining-28-jilligi-va-vatan-himoyachilari-kuni-muno-sabati-bilan-bajram-tabr-igi-jolladi>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 10 январь куни Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 26 йиллиги арафасида Қуролли Кучлар академияси Ситуация марказида сўзлаган нутқидан иқтибослар. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/11/xavfsizlik-kengashi/>

4. Синица А.А. Организационно-правовые вопросы обеспечения военнослужащих Вооруженных Сил Российской Федерации и членов их семей квартирным довольствием: Дисс... канд. юрид наук. М., 1994. С. 129.

5. Кудашкин А.В. Жилищное право : учебник. М.: Норма, 2010 С.86-87.

6. Акчурин З.Х. Правовое регулирование обеспечения жилыми помещениями военнослужащих, проходящих военную службу по контракту: Дисс... канд. юрид. наук. М., 2008. С. 16.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги 723-XII-сон Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/20596>

8. [Федеральный закон РФ "О статусе военнослужащих" от 27 мая 1998 года, http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_18853/.](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_18853/)



9. Закон Республики Казахстан “О воинской службе и статусе военнослужащих”, Астана, Акорда, 16 февраля 2012 года № 561-IV ЗРК, https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31130640.

10. Закон Республики Казахстан от 16 апреля 1997 года № 94-І «О жилищных отношениях» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 07.03.2022 г.) https://kodeksy-kz.com/ka/o_zhiliwnyh_otnosheniyah.htm.

11. Закон РБ О Статусе Военнослужащих 100-3 от 4.01.2010 г. https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_statuse_voennosluzhawih.htm.

12. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 30-банди. <https://lex.uz/docs/1354561>.

13. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сонли қарори билан тасдиқланган: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди//<https://lex.uz/docs/4513434/>.

14. Ўзбекистон Республикасининг *Уй-жой кодекси* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 713-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. <https://lex.uz/docs/106136>.